

ТАҚРИЗ  
ЗАРУР ҚҮЛЛАНМА

Филол. фан. докт. Й.Солижонов. И.Хожалиев

*Рецензия на монографию А.Касымова «Типологическое сходство и взаимовлияния в литературе», посвященной изучению проблем французско-узбекских литературных связей.*

**A. Қосимов. Адабиётда типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсир. Тошкент, Фан, 2004.-7 б.т.**

Замонавий кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини чуқурроқ билиш, маданиятлараро муштаракликни янада теран хис этиш, умуминсоний қадриатлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратади. Жаҳон халқлари маданий ва маънавий бойликлари билан танишиш эса ўз миллий меросимизни муносаб баҳолаш имконини беради. Бу борада адабий алоқаларни ўрганиш, муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётшунос А.Қосимовнинг монографияси долзарб соҳа – компаративистика оид тадқиқот натижалари эканлиги билан эътиборга моликдир.

Монография қўйидаги асосий бўлимлардан иборат:

- А.де Сент-Экзюпери ижоди ва гуманизм масалалари;
- Болалик дунёси маънавий поклик мезони сифатида;
- «Кичкина шаҳзода» ва «Оқ кема» асарларидаги мифологизмларнинг бадиий-эстетик функцияси;
- А.де Сент-Экзюпери ижоди Ўзбекистонда;
- А.Камю ижодида инсон «мен»и тасвири;
- Ўзбек романчилигига ноанъанавий тасвир кўринишлар;

Мазкур ишда XX аср француз адабиётининг икки таниқли вакили - А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижодининг ўзига хос жиҳатлари ўзбек адабиётшунослигида илк бор кенг қамровда ўрганилган. Унда А.де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» ва Ч.Атматовнинг «Оқ кема» асарлари поэтикасидаги ассоциация ҳамда унинг пайдо бўлиш сабаблари изчил тадқиқ этилган. Шунингдек, «Кичкина шаҳзода» асарининг ўзбек тилига қилинган таржималари қиёсий планда ўрганилган.

Бундан ташқари, монографияда ўзаро адабий алоқалар хусусан Farb модернистик адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири масалаларига ҳам ўрин ажратилган. Ҳар қандай адабиёт бошқаларнинг таъсиринисиз, мутлоқ мустақил ҳолда ривожлана олмаслигини эътиборга олсан, ўзаро таъсир муаммоси ҳам нақадар муҳим эканлиги аён бўлади. Бироқ, «ўзаро таъсир, адабиётнинг миллий хасусиятларига путур етказади деб хавфсираш мутлоқ ўринисизdir. Тўғри таъсир йўдан бор қилмайди, лекин у миллий адабиёт тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беради» (6-бет). Шунинг учун ҳам Farb адабиёти намояндалари хусусан А.Камю ижодининг замонавий адабий жараёнга кўрсатаётган таъсирини тадқиқ этиш, бадииятини таъминлаган омилларини белгилаш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ишда X.Дустмуҳаммаднинг «Бозор», Т.Рустамнинг «Капалаклар уйина» романлари ноанъанавии тасвир тамоилилари асосида таҳлил этилган ва тегишли хуносалар чиқарилган.

Тадқиқотда А. де Сент-экзюперининг «Кичкина шаҳзода» асарининг ўзбек тилига таржима қилиниши ва бу асар ҳақидаги ўзбек ижодкорларининг фикрларига муносабат билдирилган. Шунингдек асарнинг французча, русча ва

ўзбекча матнлари қиёсланиб, унинг ўзбекча таржимасининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. М.Умаров ва Ҳ.Султон таржималари ютуқ ва камчиликлари французча, русча ва ўзбекча матнлар асосида кўрсатиб берилган.

Монографияда А.Камю ижодида инсон руҳиёти, унинг ички дунёсининг очиб берилиши, ижодкорнинг тасвир услуби, асар тоғаси ва структураси хусусида ўзига хос кузатишлар берилган. Таҳлил асосида оригинал илмий-назарий хulosалар чиқарилган. Экзистенционализм фалсафаси, абсурд тушунча ва уларнинг модернистик адабиётдаги ўрни каби муаммолар ҳам тадқиқ этилган.

Маълумки, турли миқёсдаги адабий алоқаларни тадқиқи этиш доимо адабиётшуносликнинг долзарб ва қизиқарли соҳаси бўлиб келгган. Ана шу соҳа бўйича олиб борилган бир неча йиллик кузатиш натижалари мутахассислар ва адабий алоқа билан қизиқувчи кишилар эътиборидан четда қолмайди деб ўйлаймиз. Монография бакалавриат талабалари, магистрантлар, аспирантлар учун зарур қўлланма ҳисобланади. Тадқиқот хulosаларидан дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратишида фойдаланиш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:

15.09.2006.

## ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР МАНБАИ

Филол.фн.докт., М.Ҳакимов, И.Ҳожалиев, З.Раҳимов

Нозик туйғулар кўйчиси, серқирра истеъдод соҳиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек шеърияти улкан насли сингари XX аср ўзбек адабиётида муносиб ўрин тутади. У ижодини шеъриятдан бошлади ва ҳаётининг деярли 60 йилини ана шу соҳанинг имкониятларини янада кенгайтириш, янгиликлар билан бойитишига сарфлади. Адабиётшунос олим Акбарали Сабирдиновнинг «Ойбекнинг шеърий маҳорати» номли монографияси (-Тошкент, Фан, 1985) ана шу ҳассос туйғулар кўйчиси шеърлари тадқиқотига бағишлиланган.

Ойбек шеърияти ҳамиша илмий жамоатчилик эътиборида бўлиб, бу борада М.Осим, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, Л.Қаюмов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, Қ.Самадов, О.Собиров, Қ.Жўраев, Жамол Камол, У.Ҳамдамов, Ж.Жумабоева каби адабиётшунос олимлар, адаб ва шоирлар мақолалар, тадқиқотлар олиб борган. Аммо уларда Ойбек шеърияти барча даврларни қамраб олгани ҳолда яхлит тадқиқ этилмаган, янгила мезонлар, қарашлар асосида ёндошилмаган эди. Мазкур вазифани А.Сабирдинов мұваффақият билан бажарган. Тадқиқотга Ойбекнинг 20 томлик «Мукаммал асарлар тўплами»га жамланган ижод намуналари, мақолалари асос қилиб олинган. Монография тўрт боб, ўн беш фаслдан иборат бўлиб, уларда Ойбек шеърий маҳоратининг юксалишига асос бўлган таъсир манбалари, шеърларининг тузилиши, бадиий-эстетик хусусиятлари кенг ва ишонарли далиллар асосида тадқиқ қилинган. Китобнинг «Ойбек шеърияти манбалари» деб номланган дастлабки бобида биринчи бор шарқ шеъриятининг буюк намояндалари Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Умар Хайём ижодининг Ойбек шеърлари бадиий-услубий такомилидаги ўрни, аҳамияти масалалари ишонарли тарзда ёритиб берилган. Тадқиқотда Алишер Навоий ғазалларига хос бўлган фикрни босичма-босқич сатрлар давомида ривожлантира бориб, яхлит қиёфа ва манзаралар яратиш услубининг, Муҳаммад Фузулий шеърларига хос тил равонлиги ва жозибадорлигининг, Умар Хайём рубоийларидаги ифодани сиккىк, фалсафий йўсинада таъсирчан ифодалаш усулининг Ойбек шеърларига кўрсатган таъсирини илмий асосда ёритиб берган. Ушбу бобда «Ойбек ва Чўлпон» шеърияти ҳам қиёсий-типологик метод асосида тадқиқка тортилган. Чўлпоннинг зөвоник воситаlardан, образ яратиш маҳоратидан таъсирланган Ойбекнинг тақлидчи бўлмай ўзига хос услугда ижод қилганлиги мисоллар асосида кўрсатиб ўтилган. Муаллиф Чўлпон ижоди юзасидан мақола ва тадқиқотлар